

УЎК: [613.81/613.84](#)+612.345

**ТАЖРИБАВИЙ АЛКОГОЛ ИНТОКСИКАЦИЯСИ ТАЪСИРИДА ТЎҚҚИЗ  
ОЙЛИК КАЛАМУШЛАР ОШҚОЗОН ОСТИ БЕЗИНИНГ МОРФОЛОГИК-  
МОРФОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ НАЗОРАТ  
ГУРУҲИ БИЛАН ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**Ахтамов Азизбек Аваз ўғли.**

**Раджабов Ахтам Болтаевич**

*Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Анатомия ва  
оператив хирургия топографик анатомия (ОХТА) кафедраси.*

**Тадқиқот мақсади.** 9 ойлик оқ зотсиз каламушларда тажрибавий алкоголь интоксикациясини моделлаштириш орқали ошқозон ости бези экзокрин ва эндокрин қисмларида юзага келадиган морфологик-морфометрик ўзгаришларни аниқлаш, уларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш ва патогенетик аҳамиятини баҳолаш.

**Материаллар ва усуллар.** Тадқиқот 30 та оқ зотсиз каламушларда ўтказилди. Ҳайвонлар назорат ва тажриба гуруҳларига ажратилди. Экспериментал гуруҳда алкоголь интоксикациясини моделлаштириш мақсадида 40% этанол эритмаси тана вазнига нисбатан 7 г/кг дозада 30 кун давомида меъдага юборилди ҳамда ичимлик суви ўрнига 5% этанол эритмаси берилди. Олинган препаратлар гематоксилин-эозин ва ван-Гизон усулларида бўйлиб, морфологик-морфометрик таҳлил қилинди.

**Натижалар.** Олинган натижалар алкоголь интоксикацияси шароитида ошқозон ости безида бир қатор ўзгаришлар ривожланишини кўрсатди. Экзокрин қисмда ацинар тузилмалар дезорганизацияси, уларнинг чегаралари ноаниқлашуви ва паренхима-строма нисбатининг ўзгариши аниқланди. Ацинус диаметри  $30,0 \pm 0,7$  мкм дан  $25,0-27,0$  мкм гача, майдони эса  $900,0 \pm 35,0$  мкм<sup>2</sup> дан  $700,0-750,0$  мкм<sup>2</sup> гача камайди. Экзокриноцитлар баландлиги  $12,0 \pm 0,4$  мкм дан  $9,0-10,0$  мкм гача пасайиб, уларнинг майдони ва сони камайгани кузатилди. Ядро-цитоплазма нисбати  $0,18 \pm 0,01$  дан  $0,20-0,22$  гача ошган бўлиб, бу хужайравий метаболизм ва синтетик жараёнлар сусайганлигини кўрсатади.

Эндокрин қисмда редукцион ўзгаришлар аниқланиб, Лангерганс оролчаларининг нисбий майдони  $2,2 \pm 0,1$  % дан  $1,7-1,9$  % гача камайди. Оролчалар сони ва ўлчамлари қисқариб, уларнинг диаметри  $118,0 \pm 7,0$  мкм дан  $95,0-105,0$  мкм гача пасайди. Эндокриноцитлар сони  $102,0 \pm 4,0$  тадан  $80,0-90,0$  тагача камайди, хужайраларда вакуолизация, пикноз ва кариорексис белгилари аниқланди. Бу ўзгаришлар эндокрин функциянинг бузилишига олиб келиши мумкинлигини кўрсатади.

**Хулоса.** Тажрибавий алкоголь интоксикацияси ошқозон ости безида комплекс морфологик-морфометрик ўзгаришларни келтириб чиқаради. Экзокрин қисмда атрофик-дистрофик жараёнлар, ацинар тузилмаларнинг дезорганизацияси ва фиброз

30-Aprel, 2026-yil

ривожланиши устунлик қилади. Эндокрин қисмда эса оролчалар редукцияси ва эндокриноцитлар деградацияси кузатилади. Ушбу ўзгаришлар оксидатив стресс, апоптоз ва некробиотик жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, ошқозон ости безининг функционал фаолияти пасайишига ва токсик панкреатопатия шаклланишига олиб келади.

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Иванов А.А., Петров В.Н. Морфология поджелудочной железы при интоксикациях // Морфология. — 2019. — Т. 155, № 1. — С. 12–18.
2. Сидоров К.М. Экспериментальная панкреатология // Патологическая физиология и экспериментальная терапия. — 2020. — Т. 64, № 2. — С. 45–52.
3. Garcia M., Lopez R. Pancreatic fibrosis pathways // Cell Signalling. — 2022. — Vol. 94. — P. 110345.
4. Chen L., Zhang Y. Chronic ethanol exposure study // Journal of Hepatology. — 2026. — Vol. 74. — P. 210–220.